Тошкент оқшоми

2013 ЙИЛ 19 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 120 (12.431)

Баҳоси эркин нархда

Ягонасан, муқаддас Ватан!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ВАТАННИ МАДҲ ЭТИБ

Самарқандда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарори асосида ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур танлов ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, она юртимиз – Ўзбекистон улуғланган бадиий юксак қўшиқлар яратишни рағбатлантириш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларнинг маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда танловнинг Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган саралаш босқичларида муваффақият қозонган ўқувчи ёшлар иштирок этди. Уларнинг чиқишлари таниқли санъаткорлар, шоир ва бастакорлардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Бунда ўқувчиларнинг ижро маҳоратига, матн, мусиқа уйғунлиги ва Ватан туйғусининг нечоғлик тараннум этилганига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрик-танлов натижасига кўра, биринчи ўрин Наманган санъат коллежи ўқувчиси Одина Абдуллаева ҳамда Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Дилрабо Турғуновага насиб этди.

– Ҳар бир қўшиқчи, у хоҳ ҳаваскор, хоҳ профессионал ижрочи бўлсин, албатта, Ватан ҳақида куйлайди, – дейди Одина Абдуллаева. – Лекин бундай қўшиқ чин юракдан, меҳр билан айтилсагина, тингловчи қалбига етиб боради, унга маънавий озуқа беради. Устозларимиз бизга шундай маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатишган ва бу ўгитларнинг самараси ўлароқ бугун нуфузли танловда ғолиб бўлганимдан бахтиёрман.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ғолиб ва совриндорлари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

СУРАТДА: (ўнгдан) кўрик-танлов натижасига кўра, биринчи ўрин Наманган санъат коллежи ўқувчиси Одина Абдуллаева ҳамда Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Дилрабо Турғуновага насиб этди.

Алишер Исроилов (ЎзА) олган сурат

МУҲИМ СОҲА УЧУН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети томонидан жорий йилги битирувчиларни кузатишга бағишланган маърифий тадбир ўтказилди. Унда депутатлар, профессор-ўқитувчилар, турли вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий университети ректори, сенатор Ғ.Муҳамедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, фаолият самарадорлигини янада ошириш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида мазкур соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда. Медиа тузилмалар бу юртмасига қараб ихтисослик ва танлов фанлари шакллантирилмоқда. 2005 йилдан буён фаолият юритаётган Олий журналистика курси кадрлар ихтисослашувига хизмат қилаётир.

Жорий йилда факультетни 136 нафар йигит-қиз битирди. Уларнинг етакчи таҳририятлар, теле ва радиоканаллар, ахборот хизматларида амалиёт ўташи ва меҳнат фаолиятини бошлаши учун зарур шароит яратилди.

Тадбирда битирувчилар Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва самарали меҳнат қилишга сўз бердилар. Таълим жараёнида турли ижодий кўрик-танлов ва лойиҳаларда фаол иштирок этган ёшлар, уларнинг устозларига диплом ва совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Яқинда Малайзиянинг инглиз тилида чоп этиладиган «New straits times» газетасида юртимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди. Уларда ўзбек халқининг бой тарихий-маданий мероси ва мамлакатимизнинг жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий сайёҳлик инфратузилмаси ҳақидаги атрофлича маълумотлар ранг-баранг фотосуратлар билан газетхонлар эътиборига ҳавола қилинди.

Эътироф

«NEW STRAITS TIMES» МАМЛАКАТИМИЗ ҲАҚИДА

Малайзиялик журналист **Сери Нор Надиа Корис** «Амир Темур юртига саёҳат» сарлавҳали мақоласида жорий йил март ойида «Мега-инфо-тур» дастури доирасида Ўзбекистон бўйлаб сафаридан олган таассуротларини ўртоқлашган.

Муаллиф ўз мақоласини баҳор айёми — Наврўзи оламни таърифлаш билан бошлар экан, ҳаёт, самимият, тўкин-сочинлик ва саломатлик тимсоли ҳисобланадиган ун ҳамда буғдой дони сингари масаллиқлардан тайёрланадиган кўклам таоми — сумалак ҳақида батафсил сўз юритади.

Сўнгра у Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган музейлар мавзуига мурожаат этади. Сери Нор Надиа Корис Темурийлар тарихи Давлат музейининг меъморий гўзаллигига, унинг нафис безаклари, моҳирона ишланган нақшлари ҳамда улкан мовий гумбазига алоҳида тўхталган. Мақолада қайд этилганидек, ушбу муҳташам музейга ташриф буюрган меҳмонлар Темурийлар даврига оид турли осори атиқалар, бронза ва сополдан ясалган буюмлар, шунингдек, ноёб қўҳна меъморчилик дурдоналарининг кичрайтирилган нусхалари билан танишишлари мумкин.

Журналист ёзганидек, Ўзбекистон амалий санъат музейи ҳам жаҳон маданий меросининг нодир хазиналарига бой бўлиб, миллий услубда тўқилган гиламлар, ипак матолар, турли кийим-кечаклар, сопол, чинни ва ёғочдан ясалган буюмлар ҳамда ўзбек усталарининг бетакрор маҳоратини намойиш этувчи бошқа санъат асарлари ушбу музейдан жой олган.

«Ўзбекистонда ўтмиш ва замонавийлик, турли миллатларнинг маданияти ва анъаналари уйғунлашиб кетганлиги кишини ҳайратда қолдиради, — деб ёзади муаллиф. — Бу гўзал диёр Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганки, мазкур қўҳна йўл орқали асрлар мобайнида савдогарлар, олиму мутафаккирлар саёҳат қилишган. Бугун эса у хорижликларнинг Ўзбекистон заминидаги қадимий ёдгорликлари ва мамлакатнинг маънавий мероси билан танишишлари учун хизмат қилмоқда».

Малайзиялик яна бир журналист **Шуиб Таиб** ўзининг «Уч шаҳар афсонаси» деб номланган мақоласида Тошкент, Самарқанд ҳамда Бухоро сингари шаҳарларнинг тарихий, илмий ва маданий мероси ҳақида ҳикоя қилади.

Мамлакатимиз пойтахти хусусида тўхталар экан, Шуиб Таиб бу шаҳарда қадимий тарих ва замонавий тараққиётнинг энг сўнгги ютуқлари уйғунлашиб кетганлигини эътироф этади. Унинг фикрича, Тошкент ўзида замонлар муштараклигини мужассамлаштирган, зеро, шаҳар заминида қадимий ёдгорликлар билан бирга, истеъдодли меъморлар лойиҳалари асосида барпо қилинган кўп қаватли замонавий иншоотлар ҳам кўкка бўй чўзган. «Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуаси ва бошқа тарихий обидалар баробарида, сўнгги йилларда бунёд этилган кўркам бинолар, кенг кўчалар, гўзал истироҳат боғлари ҳамда салқин хиёбонлар ҳам кўзни қувонтиради», дея ёзилади мақолада.

Малайзиялик журналист Самарқанд шаҳри таассуротларини қаламга олар экан, мовий гумбазли иншоотларни шаҳарнинг ўзига хос «ташриф қоғози», дея таърифлайди. У газетхонларни ўрта асрларда Самарқанд ижтимоий ҳаётининг маркази бўлган Регистон майдони билан атрофлича таништиради. «Улуғбек ва Шердор мадрасалари миноралари, Тиллакори мадрасасининг гўзал безаклари, геометрик шакллардаги нақшлар ҳамда мовий гумбазлар Регистонга ҳашамат ва маҳобат бахш этган, — деб ёзади у. — Улуғбек мадрасаси XV асрда нуфузли илм ўчоғи, ўша даврнинг энг яхши олимлари таълим олган университетлардан бири саналган».

Имом ал-Бухорий мақбараси хусусида сўз юритар экан, журналист Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мазкур иншоот қайта тикланганини маълум қилади. Ушбу мажмуа ҳам, мақола муаллифининг фикрича, ўзининг ажойиб безаклари ва ҳашаматли равоқлари билан ажралиб туради.

Бетакрор Бухорони эса Шуиб Таиб «Тарихий ёдгорликлар ҳамда меъморий обидаларга бой, ажойиботларга тўла шаҳар», дея таърифлайди. Унинг қайд этишича, Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи сифатида хизмат қилган Арк қалъаси бугунги кунда қадим ва ўрта асрлар тарихига оид ноёб ҳамда қизиқарли ҳужжатлар, китоблар, сопол ва мисдан ишланган буюмлар, олтин ва кумуш тақинчоқлар, миллий услубда тўқилган гиламлар жамланган ажойиб музейдир.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан халқнинг маънавий қадриятлари, моддий ва маданий меросига нисбатан алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлар экан, муаллиф бой тарих, ажойиб меъморий ёдгорликлар ҳамда замонавий сайёҳлик инфратузилмасига эга Ўзбекистонни дунёдаги энг яхши саёҳат йўналишларидан бири сифатида эътироф этади.

«Жаҳон» АА.

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган вилоятида «Камолот» ЁИҲ томонидан «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Президентимизнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур фестивалда «Камолот» етакчилари ва фаоллари, ўқувчи ва талабалар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган ёшлар иштирок этди.

● Самарқандда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш ҳамда тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш мақсадида «Энг яхши мутахассис» ва «Энг яхши бизнес лойиҳа» тақдимотлари ўтказилди. Бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги касб-ҳунар коллежларининг 8460 нафар битирувчиси қатнашди.

● Фарғона шаҳрида «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими томонидан таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилот етакчилари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Интерфаол усулда олиб борилган семинар машғулотларида иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан фаол иштирок этди. Тадбир доирасида бир қатор бошланғич ташкилотларнинг тақдимотлари, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг саралаш босқичлари ўтказилди.

● «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози – 2013» республика кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз савдо шохобчаларига «Нестле-Ўзбекистон» қўшма корхонасининг Наманган шаҳридаги фабрикасида ишлаб чиқарилган сариёғ, олти фоизли сут ва ўн фоизли қаймоқнинг дастлабки туркуми жўнатилди.

ЖАҲОНДА

● Германиядаги банкларнинг бирида банк ходимаси иш вақтида мудраб қолиши оқибатида ҳисобдан ҳисобга 642 евро ўтказиш ўрнига 222 миллион евродан ошиқроқ пулни ўтказиб юборган. Банк ходимаси мудраётган чоғида қўли ва боши клавиатуранинг «2» тугмаси устида қолиб кетган, натижада исми сир тутилаётган мижоз 1 дақиқада миллионерга айланган. Қилинган хато тезда аниқланган ва тўғриланган бўлса-да, банк бошлиғи ушбу нотўғри молиявий ўтказма учун 48 ёшли ходимани ишдан бўшатишга қарор қилган.

● «LO» деб номланган магнит ёстиқчали тезюрар поезд Япониянинг Яманаси перифектурасида синовдан муваффақиятли ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, шу русумдаги бошқа поездлардан фарқли равишда «LO»да оддий электромагнитлар эмас, балки кучлироқ магнит майдонини вужудга келтирувчи ҳамда вагон ва локомотивни юқорига кўтарувчи ўта кучли ўтказувчилардан фойдаланилди. Ушбу поезд соатига 581 километр тезликда ҳаракатланиб, бу борада жаҳон рекордини янгилади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг дала полигонида ўқув-йиғинини тамомлаган профилактика инспекторларига сертификатларни топшириш маросими ўтказилади.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси томонидан узумчиликни ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарининг хом ашё базасини мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги Республика дизайн касб-ҳунар коллежида 2012-2013 йиллардаги коллеж битирувчилари ва банд бўлмаган аҳоли учун «Ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркаси» ташкил этилди.

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Халқимизнинг ўзига хос анъана ва қадриятлари асрлар оша яшаб келаётган маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири бугунги кунда янада ортиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мақомида ўн мингга яқин маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тузилма бевосита аҳоли турли қатламлари манфаатларини ифода этиш баробарида, уларнинг фаоллигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган. Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни шу йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинди.

Мазкур қонун 5 боб ва 33 моддадан иборат бўлиб, амалдаги қонундан катта фарқ қилади. Қонун тўртта янги модда билан тўлдирилди ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият йўналишидаги ваколатлари янада такомиллаштирилди. Жумладан, аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришга оид ваколат ва вазифалари кенгайтирилди.

Қонун асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчасига алоҳида таъриф берилиб, бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатлари, ривожланишнинг тарихий хусусиятлари, миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолият эканлиги белгилаб қўйилди.

Асосий қонунимизнинг 105-моддасида бу амалда ўз ифодасини топган. Конституциямизда шаҳарча, қишлоқ ва овуллар, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллалар ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланиши белгиланган.

Ушбу конституциявий қоида янги таҳрирдаги қонунда янада мукаммалроқ тарзда ифода этилди. Қонунга биноан шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидир. Бу билан маҳалла институтининг ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи кафолатлари ҳам қонунда акс этган бўлиб, ҳар бир фуқаро жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки сайланадиган вакили орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органлари, шу қаторда бевосита мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигидан келиб чиқади. Бу жараёнда урф-одат ва анъаналар ҳисобга олиниши билан бир қаторда ижтимоий адолат, ошкоралик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик каби тартибларга амал қилинади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари доирасидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, бу борада марказлаштирилган тарзда ажратилган давлат маблағларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мақсадли фойдаланишни таъминлаш каби муҳим вазифалар ўрин олгани юқорида қайд этилган тамойилларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Хусусан, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда маҳалла давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар фарзандларига никоҳ тўйи каби тадбирларни ўтказишда қўмаклашиши қонунда аниқ баён этилган. Қонунчиликдаги бу муҳим янгилик юртдошларимиз ҳаётини янги маъно ва мазмун билан тўлдириб, амалий ишларга йўл очувчи зарур меъёрдир. Уйда ўтирган, ҳеч қаерда ишламайдиган, шунингдек, бюджет ҳисобидаги ташкилотларда ишлайдиган икки ёшгача фарзандлари бор оналарга нафақа тайинлаш ва тўлаш каби ишлар ҳам қонун асосида тартибга солинди. Бу билан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланди.

Қонунчилик даражасида акс этган бундай эзгу тамойиллар халқимиз табиатига хос инсонпарварлик, бағрикенглик каби фазилатлар билан уйғундир. Азалий қадриятларимизга айланган бундай муносабатлар, айниқса, маҳаллаларимиз ҳаётида ўзининг ёрқин ифодасини топаётгани боис юртимизда ҳар бир инсон, ижтимоий ёрдамга эҳтиёж сезаётган ҳар бир оила, кўмакка муҳтож ҳар бир ёлғиз кекса ва болага манзилли меҳр-мурувват кўрсатишга эришилмоқда. Жорий йилда бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгаймоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида оилалар, болалар, ёлғиз қариялар ва жисмоний имконияти чекланганларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, янги таҳрирдаги қонунга «Фуқаролар йиғини» деб номланган модда киритилиб, ушбу тузилманинг аҳоли номидан иш юритиши ва умумманфаатларни муҳофаза этиши борасидаги фаолияти ҳуқуқий тартибга солинди. Фуқаролар йиғини органлари таркибига фуқаролар йиғини кенгаши, унинг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ва тафтиш комиссияси киради. Фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшаётган шахслар қатнашади.

Бугунги кунда маҳалланинг жойларда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтириш, осойишталик ва фаровонликни таъминлашдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Маҳаллаларимизда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва ҳунармандчилик янада ривож топмоқда. Республикамиздаги тўрт миллиондан ортиқ оила ўз томорқасига эга. Бу беш юз минг гектарга яқин ер майдони демакдир. Хонадонларда етти миллиондан ортиқ қорамол, жумладан, сигир боқилмоқда. Сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларининг асосий қисми аҳоли томорқасида етиштирилаётир.

Аҳоли фаровонлигига хизмат қилаётган бундай ишлар кўламини янада кенгайтириш, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш мақсадида янги қонунда ҳуқуқий асослар яратилиши билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мулк ҳуқуқи кафолатлари кенгайтирилди. Эндиликда фуқаролар йиғинлари тегишли ҳудудда фаолият юритаётган ҳунармандчилик цехлари, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш, тикиш устахоналари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналар ташкил этади. Энг муҳими, тадбиркорлик субъектлари, хусусан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун кредитлар олишда фуқаролар йиғинлари белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ҳам ташкил этади. Бундай имкониятлар маҳаллаларимизда ишбилармонлик муҳити қарор топишига кенг йўл очиши шубҳасиз.

Бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалланинг вазифаларини кенгайтириб бориш, давлат ижтимоий дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш, бу борада давлат идораларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш доимий эътибордаги масалалардандир. Шу маънода янги таҳрирдаги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилишига оид меъёр акс эттирилгани жуда муҳимдир.

Жамоатчилик назорати асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ҳудудда қонун ҳужжатлари ижро этилиши ҳолатини ўрганиш орқали амалга оширилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари кўрсатаётган хизматлар сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Шу билан бирга ушбу жараёнда аниқланган қонунбузарликлар учун тегишли чоралар кўриш учун давлат органларига мурожаат қилади. Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шарт.

Ушбу меъёрларнинг ҳаётда ўз ифодасини топиши ўзини ўзи бошқариш органларини жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъект сифатида фуқароларнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айлантиради.

Қонунга киритилган яна бир муҳим меъёр фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш билан боғлиқдир. Булар асосан оқсоқолнинг маънавиятига дахлдордир. Эндиликда агар маҳалла раиси умумқабул қилинган ахлоқ, одоб нормаларини қўпол равишда бузса, ўз обрўсига путур етказувчи хатти-ҳаракат ва ножўя ишлар содир этса, унинг ваколатлари муддатидан олдин тугатилади.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига кимлар лойиқ? Бу саволга жорий йил 22 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонундан аниқ жавоб топиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу қонуннинг 17-моддасида эътироф этилганидек, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзод бўлиши мумкин. Улар албатта мамлакатимиз фуқароси, қоида тариқасида, олий маълумотга эга, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда яшаётган, ташкилотчилик қобилияти, давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши даркор.

Шуни айтиш керакки, мазкур қонун янги учта модда билан тўлдирилди ва унинг деярли барча моддалари мазмунига ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда бир қатор янги нормалар киритилди. Жумладан, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг роли ва масъулияти янада оширилди. Эндиликда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби Сенат Кенгаши томонидан белгиланади. Бу тадбирларни ташкил этишга кўмаклашиш учун Кенгашнинг комиссияси тузилади ва у сайловни қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ ҳолда ўтказиш ишларини амалга оширади.

Муҳим ўзгартишлардан яна бири – сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг ваколатлари кенгайтирилганидир. Фуқаролар йиғини қарори билан тузиладиган мазкур ишчи гуруҳи томонидан фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойи белгиланади ҳамда уни ўтказишдан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар хабардор қилинади. Ишчи гуруҳи зиммасига ҳовлилар, уйлар ва кўчалар аҳолисининг умумий йиғилишини ташкил қилиш ва ўтказиш, аҳоли фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари вазифасига номзодлар юзасидан таклифлар тайёрлаш юклатилган.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғини раиси лавозимига кўрсатиладиган номзодларга талаблар янада кучайтирилган. Эндиликда номзодлар сайлов бошланишидан олдин ўз фаолият дастурини эълон қилиши шарт.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида қабул қилинган янги қонунлар, шубҳасиз, мамлакатимизда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили қарор топиши, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган. Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ноёб тузилма сифатида эътироф этилган маҳалла институтининг нуфузи янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Анвар АҲМЕДОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви раиси
(ЎзА)

ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ

Юридик шахслар билан боғлиқ ижро ҳужжатларини бажариш алоҳида эътибор ва кенг билим даражасига эга бўлишликни талаб қилади. Бу борада йўл қўйилган кичик хато ҳам йирик қонунбузилишларга сабаб бўлиши мумкин.

Суд ижрочиси қарздор юридик шахснинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисоб варақаларида ва омонатларида турган ёки сақланаётган пул маблағларини хатлаш чораларини ўз вақтида қўллагандагина ижро сифати самарали амалга оширилади.

Қарздор юридик шахснинг қарзларни узиш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, ундирув унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, қаерда ва кимнинг фойдаланишида бўлишидан қатъи назар, бошқа мол-мулкка қаратилади. Бу мол-мулк қонунда назарда тутилган тартибда хатланади ёки унга нисбатан бошқа ижро ҳаракатлари амалга оширилади.

Қарздор юридик шахснинг мол-мулкини хатлаш ва реализация қилишнинг ўз белгиланган кетма-кетлиги мавжуд.

Қарздор юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича хўжалик судида иш юритиш қўзғатилган бўлса, ижро иши юритиш ва ундирувга қаратилган мол-мулкни реализация қилиш масаласи моҳиятан хўжалик суди томонидан кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб турилади.

Қарздор юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздор юридик шахснинг мажбуриятлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига жавобгарлик юклатилган шахснинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратилади.

Ижро иши юритиш тамомланган ижро ҳужжатлари суд ижрочисининг ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси билан биргаликда ижро иши юритиш тамомланган кундан эътиборан уч иш куни ичида тугатувчига юборилади. Суд ижрочиси ижро ҳужжати тугатувчига юборилганлиги ҳақида ундирувчига маълум қилади.

Мол-мулк ва мулкий ҳуқуқларнинг айрим турларини реализация қилиш бўйича аукцион шаклидаги кимошди савдолари риэлторлик ташкилотлари ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади. Тегишли риэлторлик ташкилоти ва ихтисослаштирилган ташкилот билан тузилган шартнома ёки кимошди савдосига қўйиладиган мол-мулкнинг ёки мулкий ҳуқуқларнинг дастлабки баҳо кўрсатилган буюртма аукцион шаклидаги кимошди савдосини ўтказиш учун асос бўлади.

Юридик шахслар билан боғлиқ бўлган ижро ҳужжатлари ижроси юзасидан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан ҳам кейинги пайтларда бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, 3250 та ижро ҳужжати қабул қилинган бўлиб, у 30 млрд. 933 млн. 789 минг сўмлик ишларни ташкил қилади. Шундан 1360 та 4 млрд. 96 млн. 506 минг сўмлик ижро ишлари «Суд ва бошқа ҳужжатларни ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддаси 1-банди талабларига кўра тўлиқ ундирилди. Бундан ташқари юқоридаги қонуннинг 62-моддаси талабларига асосан жами 19 та 1 млрд. 096 млн. 534 минг сўмлик ҳужжатлар тугатув комиссиясига юборилган.

Н. ХУДОЙНАЗАРОВ,
Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими бошлиғи, 3-даражали юрист

СОЛИҚ ХИЗМАТИ: АҲОЛИГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Давлат солиқ хизмати веб-сайтида мансабдор шахслар қабулига «Онлайн» режимида ёзилиш (электрон қабулхона) янги электрон хизмати жорий этилди.

Ушбу электрон хизматни жорий этишдан асосий мақсад давлат солиқ хизмати органларида фуқароларни қабул қилишда қўшимча қулайликлар яратишдан иборат.

Қабулга ёзилиш учун фуқаролар Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтидаги http://soliq.uz/uz/feedback/reception/ манзили орқали «Электрон қабулхона» тизимига кириб фуқароларни қабул қилиш жадвалида келтирилган мансабдор шахсни танлаш имкониятига эга бўлади.

Мансабдор шахс танлангандан сўнг, хизматдан фойдаланувчи ўзига тегишли маълумотларни, яъни телефон рақами, электрон почта ва яшаш манзили, мурожаатнинг қисқача мазмуни ёки мақсадини қайд этиши лозим. Шу тариқа фуқароларни қабул қилиш Давлат солиқ қўмитаси расмий сайтида жойлаштирилган фуқароларни қабул қилиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

«Онлайн» режимида қабулга ёзилган фуқаролар учун махсус «Фуқаролар мурожаатларини қайд этиш карточкаси» автомат тарзда шакллантирилади. «Онлайн» режимида қабулга ёзилган фуқаро белгиланган муддатда келиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ва ушбу карточкани тақдим этган ҳолда белгиланган вақтда навбатсиз қабулга киритилади.

Мазкур янги электрон хизмат тест режимида Давлат солиқ қўмитасида, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ва туман давлат солиқ инспекцияларида ишга туширилди.

«Туркистон-пресс»

БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ ТАНЛОВИ

Пойтахтимизда «Билимлар беллашуви – 2013» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бошланди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлган ўқувчилар иштирок этмоқда.

Кўрик-танлов очилишида Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ёшларни чуқур билимли ва юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Анъанавий «Билимлар беллашуви» Давлат таълим стандартларида белгиланган талаблар бажарилишини атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш, умумтаълим мактаблари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолиятига холисона баҳо беришга йўналтирилган.

Жорий йилги заковат танловини юқори савияда ташкил этиш мақсадида билимлар беллашуви ўтказиладиган ўқув предметлари немис, француз, ҳуқуқ ва иқтисод фанлари ҳисобига янада кўпайтирилди. Синов жараёнига ёзма иш, лаборатория машғулотлари, хорижий тиллар бўйича ёзма ва оғзаки мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган назорат турлари киритилди.

Мазкур танлов бўйича методик тавсиялар, назорат материалларининг намуналари ишлаб чиқилиб, вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилди. Бу йилги танловда 1 миллион 950 минг нафардан ортиқ 5-8-синф ўқувчиси иштирок этди. Бу ўтган йилга нисбатан 690 минг нафар кўп. Якуний босқичда эса 522 нафар ўғил-қиз ўз билимини синовдан ўтказмоқда.

28 июнга қадар давом этадиган танлов иштирокчилари Тошкент вилоятидаги «Ёзги интеллектуал оромгоҳ»да дам олдирилади. Улар учун моҳир педагоглар, профессор-ўқитувчилар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида фан, шеърият кечалари, маҳорат сабоқлари, викториналар ва мусобақалар ташкил этилади.

(ЎзА)

Асқар Ёқубов (ЎзА) олган сурат

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тиббий ижтимоий марказида мамлакатимиз ва Жанубий Кореянинг Ин Ха университети госпитали шифокорлари ҳамкорлигида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

2013 йил — Обод турмуш йили

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастурида тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янада ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ кенг кўламли вазифалар белгиланган. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бу борада хайрия тадбирлари, тиббий-ижтимоий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти, Жанубий Кореянинг «Save the Children» халқаро жамғармаси, KOFIH жамғармаси, Ин Ха университети госпиталларида туғма юрак нуқсони, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа касалликлар билан хасталанган бемор болалар бепул соғломлаштирилмоқда. Халқаро ҳамкорлик доирасида «Соғлом авлод учун» жамғармаси қошидаги тиббий-ижтимоий марказнинг янги биноси қурилиб, замонавий тиббиёт асбоблари билан жиҳозланди. Жамғарманинг ҳудудлараро кўчма тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси замонавий мобиль клиникаси билан таъминланди. Бу чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, тезкор тиббий-профилактика ёрдами кўрсатишда қўл келмоқда.

– Ўзбекистонга иккинчи марта келишим, – дейди Ин Ха университети госпитали кардиолог врачи, профессор У Сонг Ил. – 2012 йили мамлакатингиз шифокорлари билан ҳамкорликда ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўрик жараёнида қарийб минг нафарга яқин аҳолига зарур тиббий ёрдам кўрсатган эдик. Шулардан энг оғир деб топилган уч беморни Кореяда даволадик. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган бундай ҳамкорлик тиббиёт тизимида орттирилган илғор тажрибани оммалаштириш, ўзаро тажриба алмашишда ўз самараларини бермоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда 23 июнга қадар ўтказиладиган ҳафталик доирасида Жанубий Кореянинг Ин Ха университети госпитали малакали врачлари ва мамлакатимиз шифокорлари Тошкент шаҳрида, Тошкент ва Навоий вилоятларида чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ташкил этади. Оператив тиббий ёрдамга муҳтож бемор болалар мамлакатимиз ва Жанубий Кореядаги клиникаларда соғломлаштирилади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Қарор ва ижро

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ПУХТА ЎРГАНИШ – БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган сермаъно фикрлари биз – ёш авлод таълим-тарбиясига масъул бўлган ўқитувчи-мураббийлар учун дастуруламал ҳисобланади. Мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиши, замонавий тарзда фикрлаши ва бугунги кун талабига жавоб бериши кўп жиҳатдан фанларни тўлиқ ўзлаштиришларига, шу жумладан, чет тилларни пухта билишларига боғлиқ.

Чунки, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан кўпгина соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёни янада кенг кўлам касб этмоқда. Дунё фантехникасининг энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиш, хорижий ҳамкорлар билан мулоқот қилиш, шартномалар тузиш ва бошқа кўпдан-кўп ҳаётий заруратлар чет тилларни, асосан инглиз тилини мукаммал билишни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорда бу борадаги долзарб вазифалар белгиланиб, уларни изчил бажаришнинг йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган.

Олдимизга қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, бошқа ўқув юртлари сингари Тошкент банк коллежида ҳам инглиз тилини узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, уларни замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Биз яхши биламизки, коллежни тугатадиган ёшларнинг асосий қисми банк соҳасида ёки иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида фаолият кўрсатишади. Бу жараёнда улар хорижий ҳамкорлар билан шартномалар тузишларида, музокаралар олиб боришда ва мулоқот қилишда билвосита ёки бевосита иштирок этишади. Демак, ёшлар инглиз тилини эркин сўзлаша оладиган даражада билишлари талаб этилади. Бунга эришиш учун инглиз тилини ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан янада самарали фойдаланаяпмиз.

Зиммамиздаги вазифаларни тўла-тўкис адо этиш ўқитувчиларнинг малакасини оширишни талаб қилмоқда. Ҳозирги пайтда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртлари инглиз тили ўқитувчиларидан уч юз нафарга яқини ўз малакаларини оширмоқдалар. Юқорида тилга олинган университетнинг Гуландом Алимова, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг Рухшона Намозова, Азима Аҳмедова каби ўқитувчилари ва бошқа олий ўқув юртларидан жалб этилган билимдон педагоглар инглиз тилини ўқитиш бўйича ўзлари тўплаган бой тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар. Улар орасида коллежимиз инглиз тили ўқитувчиси Нилуфар Ҳамидованинг ҳам борлигини таъкидлаш жоиз. Машғулотларда саволжавобларга ҳам кенг ўрин берилаётганлиги, бу фанни ўқитиш бўйича муҳим янгиликлардан хабардор этилаётганлиги ўқитувчиларнинг билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Коллежимизнинг иқтидорли, инглиз тилини пухта ўзлаштиришга интилаётган ўқувчилари учун қўшимча маънавий дарслар ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Бу машғулотларни ўтказиш масъулияти энг билимдон, малакали ўқитувчилар зиммасига юклатилди. Саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда. Хусусан, яқинда инглиз тилида адабий-бадиий кеча ташкил этилганлиги бунинг далилидир. Н.Каримова, Р.Холиқова, И.Дўстмуҳамедова каби ўқитувчиларимиз томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ўқувчиларимиз инглиз тилида шеърлар ўқишди, қўшиқлар айтишди. Кеча охирида эса ўқувчилар иштирокида спектакллардан кўринишлар намойиш этилганлиги эса тадбирнинг таъсирчанлигини оширди. Бундай жонли мулоқотлар ўқувчиларда чет тилларни чуқур ўрганишга бўлган иштиёқини янада кучайтирмоқда.

Карима ШАЙХОВА,
Тошкент банк коллежи тиллар кафедраси мудири
Шаҳноза УСМОНОВА,
Дилбар ҲАСАНОВА,
коллежнинг инглиз тили ўқитувчилари

Ёшлар — келажагимиз

ТАЛАБАЛАРНИНГ САРА ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий имкониятларини юзага чиқариш ҳамда абитуриентларни институт ҳаёти билан яқиндан таништириш мақсадида «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивали ва «Очиқ эшиклар» ҳафталиги ташкил этилди.

Мазкур тадбир доирасида истеъдодли талабалар томонидан саҳналаштирилган спектакллар, суратга олинган ҳужжатли ва бадиий фильмлар, ёш қаламкашларнинг мақола, бадиа, шеър каби ижодий ишлари кўрсатилди.

— Олийгоҳимизда бу каби фестивалларни ўтказиш яхши анъанага айланган, – дейди институт ректори, профессор Бахтиёр Сайфуллаев. – Талабаларнинг йил давомида олиб борган ижодий изланишларини рағбатлантириш уларни янги марралар сари ундаши аниқ. Келгусида миллий маънавиятимиз, санъат ва маданиятимиз тараққиёти шу ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, саъй-ҳаракатларига боғлиқ эканлигини эътиборга олиб, мазкур фестивалнинг катта ижод остонасига қадам қўяётган ёшлар учун маҳорат мактабига айланишини истаб қолардик.

Фестиваль доирасида йиғилганлар эътиборига институт ўқув театрида саҳналаштирилган «Тўда», «Майиз емаган хотин», «Халоскор», «Чодир жамол», «Нодира», «Ойдинда юрган одамлар», «Тикансиз типратиканлар» каби турли мавзу ва жанрдаги спектакллар, «Жўшқин ёшлик наволари», «Ибратли сўз сарчашмалари», «Чолғу ижрочилиги» концерт дастурлари, шунингдек, «Телевидение режиссёрлиги» ва «Кинооператорлик» бўлими талабаларининг ижодий ишлари намойиш этилди. Ушбу ижод намуналарини кузата туриб, ўзбек театр, кино ва қўшиқчилик санъатига янги истеъдодлар, малакали кадрлар кириб келаётганлигига амин бўлдик. Устоз санъаткорларнинг ижодий анъанасига содиқ қолган ёшлар бор куч-қуввати, иқтидор ва салоҳиятини маданий юксалиш йўлида сафарбар этаётганлиги, турли спектакллар, фильмлар орқали халқ маънавияти, ёшлар онгини шакллантиришдек шарафли вазифани бажараётганлиги таҳсинга лойиқдир. Шунингдек, намойишлар вақтида драматургия, режиссёрлик, актёрлик, сценография, операторлик, қўғирчоқ театри, мумтоз қўшиқчилик, анъанавий ижро каби маданий ҳаётимизнинг муҳим жабҳаларини қиёсий таҳлил қилиш, ўзбек санъатининг эртанги истиқболини белгилаш, санъатшунослик ва театр танқидчилигини ривожлантириш борасида тегишли хулосалар чиқариш имконияти туғилди.

— Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига қадам ранжида қилган киши ўзини чинакам санъат оламига кириб қолгандек ҳис этади, – дейди филология фанлари номзоди Тўлқин Эшбеков. – Санъат соҳаси сирларини назарий жиҳатдан пухта эгаллаётган талабаларнинг аксарияти амалиётда истеъдодларини намоён этаётганлари қувонарли ҳол. Санъат журналистикаси йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг ранг-баранг мавзудаги мақолалари, бадиий асарлари турли газета-журналларда ёритилаётган бўлса, актёрлик соҳасини танлаган йигит-қизлар ҳозирданоқ театр саҳналарида, ҳатто кинофильмларда ўзларига хос образларини намойиш қилаётганлари умид уйғотади. Муҳими, бу даргоҳда талабаларнинг пухта билим олишлари, амалиёт ва маҳорат сирларини чинакам эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ,
ЎзДСМИ талабаси

Яқинда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида журналист Олим Жумабоевнинг «Харсангтош ноласи» деб номланган қисса ва ҳикоялари жамланган илк китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Унда таниқли публицистлар, адабиётшунос олимлар, университетнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

Айтиш керакки, матбуотимиз саҳифаларида адибнинг бадиий-ижодий ишлари ва публицистик мақолалари мунтазам чоп этилади.

Яқинда «Академнашр» нашриёти томонидан чоп этилган ушбу китобда муаллифнинг «Харсангтош ноласи ёхуд тирик афсона» қиссаси ҳамда ўнга яқин ҳикоялари жой олган. «Тўйда шавла», «Чандиқ», «Тадбиркор», «Соддалик», «Жазо», «Қайнота», «Такаллуф» каби ҳикоялар шулар жумласидандир.

Тадбирда сўзга чиққанлар О. Жумабоевнинг истеъдоди, ўз устида тинимсиз изланиши, асаридаги қаҳрамонлар қалбида кечаётган кураш ва зиддиятларни маҳорат билан тасвирлаш қобилиятига эга эканлигини таъкидладилар.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
Яшна ЭМИНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 23 июль куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳар, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Ҳамза туман СИБ томонидан 2010 йил 21 июндаги 1-33/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2002 йилда и/ч дав. бел. 14 М 55-90 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 600 000 сўм. 2. Чилонзор туман СИБ томонидан 2011 йил 27 октябрдаги 1-1346/12-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор туман СИБ ҳовлисида сақланаётган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 01 О 274 GA бўлган «Ваз 21074» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 10 035 646 сўм.

2013 йил 9 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда.

I. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2012 йил 9 июлдаги 24510/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 L 221 FA бўлган «Мерседес Бенц S350» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 186 300 000 сўм. 2. 2012 йил 18 сентябрдаги 31601/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 18 U 3443 бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 56 923 087 сўм. 3. 2012 йил 25 мартдаги 11357/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 10 В 0221 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 158 533 сўм. 4. 2013 йил 18 январдаги 1013/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 М 653 FA бўлган «ГБА СПГ Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 100 000 сўм. II. Юнусобод туман СИБ томонидан 2013 йил 25 январдаги 648/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «8-сонли автосарой» ОАЖ жарима майдончасида сақланаётган 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 С 040 СА бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 901 200 сўм.

Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. *Гувоҳнома: 006388*

«KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Такрорий аукцион савдосига М.Улуғбек тумани СИБ томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 20 сентябрдаги №10-1115/12139-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи – 39 099 132 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган, умумий майдони 9,0 кв.м. дан иборат 177-сонли турғун савдо дўкони қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 5 июль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 % дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: №0039

Оққўрғон тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 2012 йил 19 мартда №29/1689 сон билан давлат рўйхатидан ўтган «SOCH MAHSULOTLARI» МЧЖ устав фондининг 120 500 АҚШ долларидан 48809,61 долларга ёки 89666836,80 сўмга камайганлигини маълум қилади.

Даъволар эълон чоп қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади — 978-70-25.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

БОЛАЖОНЛАР ИШТИРОКИДАГИ ЭКОМАРАФОН

Кейинги пайтларда шаҳримизда табиатни муҳофаза қилиш, экологик ва санитария-эпидемиологик муҳитни яхшилаш, атроф-муҳитга зарарли таъсирларнинг олдини олиш, аҳолининг, айниқса ёшларнинг экологик маданиятини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тарбияни болаликдан бошлашнинг аҳамияти каттали-ги маълум. Сергели туманидаги 109-сонли мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган «Она шаҳрим билан бирга улғайиб, ўсаётганим — бу менинг бахтим!» мавзуидаги биринчи — экологик марафон ҳам болалар онгига экологик тушунчалар, табиатни асраш лозимлигини сингдириш борасида муҳим ўрин тутди. Мазкур тадбирда тумандаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, тарбиячилари қатнашди. Экомарафонда эко-лаборатория, экологик спартакиада, саҳна кўринишлари, чиқиндилар ва улардан холи бўлиш, тақиқланган белгилар, яшил патруль, экологик-соғломлаштирувчи сайр, дала ҳовлиларни барпо этиш, «Дунё болалар нигоҳида» расмлар, амалий санъат кўргазмаси ўзига хос услубда намойиш этилди.

Биз экомарафоннинг ҳар бир йўналишида болаларни кузатар эканмиз, уларда катта қизиқувчанлик, табиатга нисбатан меҳрни кўрдик.

Болаларнинг экология бўйича мусиқий чиқишлари, рақслари, экологияга оид китоблар кўргазмаси, давра суҳбатида айтилган сўзлар тадбир мавзуси билан уйғунлашиб кетди.

Биз экомарафон сўнгида унинг қатнашчиси — Сергели туманидаги 87-сонли мактабгача таълим муассасаси мудирасидан таассуротлари билан ўртоқлашишни сўрадик.

— Фуқаролар экологик маданиятини шакллантиришни болаликдан бошлашнинг муҳимлиги нафақат педагогик таълимда, балки ҳаётимиз тажрибасидан ҳам маълум, — дейди Мукофотхон Бухорова. — Ҳар бир тарбиячи ўзи ишлаётган мактабгача таълим муассасасида боланинг ёшига, имкониятларига қараб тўғри илмий ёндошилса у самара беришини яхши билади. Энг асосийси, айниқса оила, маҳалла, таълим муассасасининг ҳамкорлигини илмий ва ҳаётий тажриба асосига қўйиш йўлидан бориш муҳимдир. Бугунги тадбир тарбиячиларнинг ўзаро тажриба алмашишлари учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

СУРАТДА: экологик марафондан лавҳа

Арбовирус гуруҳи — геморрагик иситма касалликларини қўзғатувчилари табиатда уй ва ёввойи ҳайвонлар дунёсида кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда уларнинг 500 дан ортиқ тури маълум бўлиб, 100 дан ортиқ тури одамларда касаллик қўзғатади.

Мутахассис маслаҳати

ШИФОКОРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

Касаллик одамларда енгил ва оғир кечишига қараб кўпинча ногиронликка олиб боради ёки ўлим билан тугайди. Қрим-Конго геморрагик иситмаси (ҚҚГИ) ўта хавфли, табиий ўчоқли ўткир юқумли касаллик бўлиб, умумий интоксикация белгилари билан кечади.

Касаллик трансмиссив — кана чаққанда; контаминацион — ҳимояланмаган қўл билан моллардан каналарни терганда ва уларни бармоқлар орасида эзиб ўлдирганда; мулоқот (контакт) — беморларнинг қони ва қонли ажратмалари, сўйилган молларнинг қони орқали; парентерал — тиббий муолажалар вақтида шприц орқали; аэрозол — махсус лабораторияларда вирус сақловчи материаллар билан ишлаш жараёнида авария содир бўлганда юқади.

Касалликнинг мавсумийлиги эрта баҳор-куз ойлари, яъни қон сўрувчи ҳашаротларнинг кўпайиш даврига тўғри келади.

Шу гуруҳдаги касалликларга ташхис қўйиш жуда қийин, чунки улар бошқа юқумли касалликларга ўхшаш аломатларни намоён қилади.

Қора ҳалок туркуми касалликларига тиббиёт ходимлари томонидан кўпинча юқори нафас йўлларининг шамоллаши, зотилжам, юрак мушакларининг касаллиги, бурун, нерв ва терлама касалликлари деб нотўғри ташхис қўйилади.

Касалликнинг яширин даври қўзғатувчи трансмиссив ва контаминацион йўллар орқали юққанида 2-7 кунни, мулоқот ва парентерал йўллар билан юққанида эса 2-4 кунни ташкил этади.

Хасталикнинг белгилари: тана ҳароратининг бирдан кўтарилиши, эт увишиши, бош оғриши, кўз косаси томирининг қизариши, юз, бўйин, кўкрак, оғиз, томоқ шиллиқ қаватининг қон талашиб қизариши, қон босимининг пасайиши, юрак уришининг секинлашуви ва ҳар хил ҳолатдаги қон кетиш (оғиз, бурун, ошқозон ва ҳ.к.) Бундай аломатлар юзага келганда, ўзбошимчалик билан даволанмасдан, зудлик билан шифокорга мурожаат этиш зарур.

Ўзингизнинг ва яқин кишиларингизнинг саломатлиги ўз қўлингизда эканлигини унутманг.

Зулфия ШОМУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар ДСЭНМ ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими эпидемиологи

«101»

БОЛАЛАРНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Барчамизга маълумки, ёш болалар кўп нарсага қизиққанлиги сабабли ўзлари қилаётган ишларининг қандай оқибатларга олиб келишини тушуниб етмаган ҳолда баъзан айрим ножўя ишларга қўл урадилар.

Сергели туманида яшовчи Акмал ака (исми ўзгартирилган) рўзғор тебратаман деб танишидан ижарага олган «Матиз» русумли автоуловни уйнинг олдига қўйиб, тушлик қилгани чиқиб кетади. Ишдан чарчаб келганлиги боис у автоуловининг орқа эшиги ойнасини ёпишни ёдидан чиқариб уйида тушлик қилиб ўтирган вақтида қўшнилари машинанинг ичида бегона ёш болалар борлигини Акмал акага айтишади. Уйидан чиқиб автоуловига қараган вақтида, машина ички салони ёнаётганлигини кўриб ёнғин хавфсизлиги ходимларига телефон орқали хабар беради. Тезда воқеа жойига етиб келган ёнғин хавфсизлиги ходимлари автоулов ички салони ва мотор қисми ёнаётганлигини кўриб ёнғинни бартараф этишган.

Ёнғин юзасидан олиб борилган суриштирув ишлари вақтида 9-10 ёшли Анвар, Жамшид ва Рустам (исмлари ўзгартирилган) кўчада ўйнаб юрган вақтида гугурт топиб олиб ойнаси очиқ қолган «Матиз» автоулови ичига кириб гугурт ёқиб ўйнаганликларини айтишди. Ёш болаларнинг бундай ўйинқароқлиги Акмал акага қанчалик қимматга тушганлигини улар тушунганларида эди, балки бундай ишларни қилмаган бўлишар эди. Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишимиз учун барчамиз доимо ёш фарзандларимизни назоратдан четда қолдирмаслигимиз керак.

Жанибек КАСИМОВ,
Сергели тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, кичик сержант

Спорт янгиликлари

ЎСМИРЛАРИМИЗ ҲАМ СИНОВ АРАФАСИДА

Маълумки, БААда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида 17 октябрь — 8 ноябрь кунлари навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда юртимиз шарафини 17 ёшли чарм тўп усталаридан таркиб топган Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳимоя қилади.

Жаҳон чемпионатида Осиё чемпиони сифатида иштирок этадиган Дилшод Нуралиев шогирдлари ўқув-йиғин машғулотларида қатнашишди. Аввалига Африкада жисмоний ва руҳий тайёргарликдан ўтган ўсмирларимиз Тунис мамлакати яшил майдонларида ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этишди. Йиғинлар доирасида Африканинг бир нечта номдор терма жамоалари, хусусан Тунис билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига бу ўйинлар ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўташи аниқ.

Нигина РАҲИМОВА

Қатар пойтахти Доха шаҳрида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионати Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига омад келтирди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Эътиборлиси, қитъамизнинг 28та мамлакати спортчилари иштирок этган Осиё биринчилигида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 4та олтин, 4та кумуш ва 8та бронза медали билан тақдирланишди. Умумжамоа ҳисобида ўсмирлар ўртасида терма жамоамизга учинчи ўрин насиб этган бўлса, қизлар орасидаги баҳслар якунида терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллади.

Қувонарлиси, ўн бешинчи марта ташкил этилган Осиё чемпионатида бир йўла учта олтин медални қизлар ўртасида 69 килограмм вазнда Камола Петрова қўлга киритди. Даст кўтаришда 65 килограмм, силтаб кўтаришда 85 килограмм тошни ўзига бўйсундирган Камола иккикураш якунларига кўра энг юқори 156 килограмм натижани қайд этди ва учта олтин медаль билан тақдирланди.

Терма жамоамиздан тўртинчи олтин медални Машҳурбек Йўлдошев 50 килограмм вазнда қўлга киритди. Машҳурбек икки кураш якунларига кўра 192 килограмм тошни ўзига бўйсундирди. Шунингдек, ҳамюртларимиздан ўз вазн тоифаларида Амирзода Иброҳимов, Комилжон Тожиев, Суннатилла Шокиржонов кумуш, Элёр Кенжаев учтадан бронза медалларнинг соҳиблари бўлишди. Зарифа Ҳазратова эса якунда битта кумуш, битта бронза медаль билан тақдирланди.

ЭРМАТОВ БРАЗИЛИЯДА

Бразилияда футбол бўйича Конфедерациялар Кубоги турнири бошланди.

Жорий йилнинг 30 июнига қадар давом этадиган ушбу турнирда қитъаларнинг энг кучли терма жамоалари ўзаро баҳс олиб боришлари барчага маълум. Шу боис ҳам ушбу турнирнинг қизиқарли ўтиши шубҳасиз.

Қувонарли жиҳати шундаки, ҳамюртимиз — ФИФА рефериси, Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳаками Равшан Эрматов ҳам айни кунларда Бразилияда. ФИФА раҳбарияти таклифига кўра Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси Конфедерациялар Кубоги турнирида учрашувларни бошқаради. Ўйинларда Равшан Эрматов бош ҳакам сифатида иштирок этса, қанотларда унга ҳамюртимиз Абдуҳамидуллоҳ Расулов ҳамда қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоров ёрдам беришади.

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

САККИЗ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

Янги рейтинг якунига кўра Ўзбекистон терма жамоаси саккиз поғона юқорилади. Аввалги рейтингда 66-поғонада қайд этилган Ўзбекистон терма жамоасига бу сафар 58-ўрин лойиқ кўрилди. Қувонарлиси шундаки, кейинги ойларда рейтинг бўйича Осиёда бешинчи ўринда келаётган терма жамоамиз яна 4-ўринга кўтарилиб, Эрон терма жамоасини ўзидан ортда қолдирди. Қитъамизда ҳамон Япония карвонбоши бўлиб келаётган бўлса, ундан кейинги ўринларни Жанубий Корея, Австралия эгаллаб турибди.

МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида эса терма жамоамиз Россия ҳамда Украинадан кейин учинчи ўринда бормоқда.

Рейтинг рўйхатида ҳамон Испания пешқадам бўлиб келаётган бўлса, ундан кейинги ўринларда Германия ва Аргентина қайд этилган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

«Жаҳон чемпионати — 2014»

ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР: 5-1

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатига чиқиш учун курашни плей-офф босқичида давом эттирадиган бўлди.

Осиё саралаш минтақасининг тўртинчи раундида «А» гуруҳида тўп сурган Миржалол Қосимов шогирдлари Тошкентда ўтган сўнгги турда Қатар миллий терма жамоасини 5:1 ҳисобида енгди.

Ҳамюртларимиз дастлабки дақиқадан ҳужумга зўр берган бўлса-да, биринчи бўлиб ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юборди. Футболчиларимиз иккинчи бўлимда ҳужумни янада кучайтирди. Бунинг самарасида Баҳодир Насимов иккита, Олег Зотеев, Одил Аҳмедов ва Улуғбек Бақоев биттадан гол уриб, терма жамоамизнинг йирик ғалабасини таъминлади.

Бироқ бу ғалаба жаҳон чемпионатига тўғридан-тўғри йўлланма олишимиз учун камлик қилди. Сабаби – Жанубий Корея футболчилари ўз майдонида эронликларга 0:1 ҳисобида ютқазди.

Эрон миллий терма жамоаси 16 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея бир хил – 14 тадан очко жамғарган бўлса-да, тўплар нисбатига кўра кореяликлар иккинчи йўлланмани қўлга киритди.

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА томонидан Осиё қитъаси учун жаҳон чемпионатига тўрт яримта йўлланма ажратилгани боис Ўзбекистон миллий терма жамоаси энди «В» гуруҳининг учинчи жамоаси билан уй-сафар тизимида иккита учрашув ўтказади. Ғолиб жамоа жаҳон чемпионатига чиқиш учун Жанубий Америка мамлакатлари саралаш мусобақасида бешинчи ўринни эгаллаган терма жамоа билан икки учрашувда майдонга тушади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

КОНФЕДЕРАЦИЯЛАР КУБОГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бразилияда Конфедерациялар Кубоги учун дунёдаги энг кучли терма жамоалар ўртасида мусобақалар бошланди. Бу турнир тўққизинчи марта ташкил этилди ва анъанага кўра навбатдаги мундиалга мезбон мамлакатда ўтмоқда.

Иштирокчилар саккизта – сайёрамиздаги олти футбол конфедерацияси ўтказадиган биринчиликлар ғолиблари, охирги жаҳон чемпиони ва майдон эгалари. Терма жамоалар қуйидаги таркибдаги икки тўртликка бўлиниб, саралаш босқичини бошладилар. «А» гуруҳи — Бразилия, Италия, Мексика, Япония. «В» гуруҳи — Испания, Таити, Нигерия, Уругвай.

Турнирни Бразилия ва Япония футболчилари бошлаб бердилар. Майдон эгалари кутилганидай, дарҳол ҳужумга ташландилар. Учинчи дақиқадаёқ улар муваффақиятга эришдилар ҳам. Жарима майдончаси яқинида Фред оширган тўпни қабул қилиб олган «Барселона» клубининг янги аъзоси Неймар Кавасима дарвозасининг юқори бурчагини аниқ нишонга олди — 1:0. Мезбонлар шундан кейин ҳам енгил ва маҳорат билан ҳаракат қилдилар. Японлар бир-икки марта Сезар дарвозасига хавф солиб турдилар. Лекин танаффусга қадар ҳисоб ўзгармади.

Иккинчи бўлим ҳам биринчисига «эгизак» бўлди. Яна ўша учинчи дақиқа. Қанотдан узатилган тўп Паулиньога йўналтирилди. У эса рақиб ҳимоячиларини доғда қолдирди ва тезда ўзини ўнглаб, Осиё чемпиони дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Учрашув шу тарзда давом этаверди. Пеленинг ватандошлари катта ҳудудий устунликка эга бўлдилар, тўпни ҳам кўп ва ишонч билан назорат қилдилар.

74-дақиқада бразилияликларнинг янги «юлдузи» Неймар жароҳат олиб, майдонни тарк этди. Учинчи голни киритиш эса айнан унинг ўрнига чиққан Жога насиб этди. Қарши ҳужум пайтида жамоадоши Оскар узатган тўпга вақтида етиб борди ҳамда дарвозабонга ҳеч қандай имконият қолдирмади — 3:0. Бу ҳолат ҳакам иккинчи бўлимга қўшиб берган вақтда юз берди.

Мазкур гуруҳдаги бошқа учрашувда эса Италия ва Мексика жамоалари бир-бирларига рўпара келдилар. Қизиқарли кураш ҳукмрон бўлган бу ўйинда европаликлар 2:1 ҳисобида устун келдилар.

«В» гуруҳидаги дастлабки баҳсда 17 июнь куни испанлар уругвайликлар билан куч синашдилар. Амалдаги жаҳон чемпионлари рақибларидан бирмунча устун эканликларини намойиш этиб, ғалаба қозондилар — 2:1. Таити ва Нигерия футболчилари ўртасидаги ўйинда эса африкаликлар ютуққа эришди — 6:1. «Супербургут»лар бундай юқори миқёсда илк бор тўп сураётган Океания вакилига деярли ҳеч қандай имконият қолдирмади. Нигерияликлардан Намди Одуамади хет-трикка эришди. Элдерсон эса дубль муаллифи бўлди. Яна бир тўп эса автоголга сабабчи бўлган таитилик Жонатан Тео ҳисобига ёзилди. Дарвоқе, ана шу футболчи нигерияликлар дарвозасини ҳам ишғол этди. Бу — Таити терма жамоаси учун Океания минтақасидаги саралаш ўйинларидан ташқари ўтказилган расмий учрашувлардаги рақиб дарвозасига киритган дастлабки тўп бўлди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Туркистон пресс»

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***20 июнь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 36-38 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***20 июнда*** *Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент пресс-почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9221
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 641
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11837 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ